**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**_5А111101 – Мусиқа таълими ва санъат_ магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 418
«14» 08 2020

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика универститети;

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил « 14 » 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил « 14 » 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 110 000 - Педагогика соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи ........................................ | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши........................................ | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........................................ | 4 |
| 1.2. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи ........................................ | 4 |
| 1.2.1. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари........................................ | 4 |
| 1.2.2. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари........................................ | 5 |
| 1.2.3. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари........................................ | 5 |
| 1.2.4. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари........................................ | 6 |
| 2. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........................................ | 8 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................................ | 8 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар........................................ | 9 |
| 2.3 | Касбий квалификациялар........................................ | 8 |
| 3. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар........................................ | 10 |
| 3.1. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар........................................ | 10 |
| 3.2. | *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми........................................ | 11 |
| | Библиографик маълумотлар........................................ | 12 |

## 1. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислигининг умумий тасnифи

***5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат*** магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

***5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат*** – педагогика соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш

бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, олий таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш ва бошқариш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- барча таълим турларида, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва нодавлат таълим муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, коорпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, маданият ташкилотлари, концерт бирлашмалари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;

олий таълим тизими муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар.

**1.2.3. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик ва илмий-педагогик фаолият;
- илмий тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида педагогик фаолият;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. *5A111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

*5A111101 - Мусиқа таълими ва санъат* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-педагогик, педагогик фаолиятида:**

- Мусиқий фанларнинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;
- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш;
- зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;
- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;
- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;
- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;
- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;
- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;
- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, "ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш", "ўзиб кетиш" даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадкиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;

- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

- бўлғучи педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш

**Илмий тадқиқот ва педагигик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш.

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:**

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;

- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун масофавий ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол бўлиш.

## *2. 5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

### 2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, илмий педагогик муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот алмашинув жараёнини мукаммал билиши ва унда ишлай олиши, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларда маъруза қилиш, уларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат таълим муассасалари ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- узлуксиз таълим тизими ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогика таълим тармоқлари ва соҳалар бўйича таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёни билан шуғулланиш ва меҳнат

ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллай билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик-статистик тажрибалар ўтказиш, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, педагогика тармоқлари ва соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар бажариш, истиқболи режалар ишлаб чиқиш ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг педагогик самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- таълим ва тарбия масалаларини яхшилаш, миллий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, миллий мусиқа санъатини ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлили қилиш ва эспертизадан ўтказишни билиш.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Мусиқа таълими, мусиқа санъати, хонандалик маҳорати, мусиқий-назарий маълумот, нота ёзувларини ўқиш, сольфеджио, чолғу асбобларида ижрочилик маҳорати ва тажрибасига эга бўлиш, ўзбек халқ мусиқа ижоди, анъанавий хонандалик, мусиқий мактаблар ва уларнинг локал хусусиятларини билиш, дирижёрлик ва хор ижрочилиги малакаларини эгаллаш, олий таълимда мусиқа ўқитиш метод ва услубларини билиш, мақом санъати ва унинг таркибидан хабардор бўлиш, олий таълим тизимида мусиқий фанлардан дарс машғулотларини олиб бориш ва назорат қилиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## 3. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**3.1. *5А111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган "Умумметодологик фанлар", "Мутахассислик фанлари", машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. *5A111101 - Мусиқа таълими ва санъат* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** |
| --- | --- |
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 54% |
| ***Шу жумладан, мустақил таълим*** | - |
| Аттестациялар | 9% |
| Таътиллар | 18% |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 19% |

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иктисодий жараёнлар, таваккалчилик, рақобат, рақобатбардошлик, педагогика таълими тармоқлари ва соҳалари, малака ошириш, қайта тайёлаш тизими, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, узлуксиз таълим, олий таълимдан кейинги таълим, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизими, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ____________________ **А.Умаров**

2020 йил «12» 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Республика таълим маркази**

**Директор** ____________________ **Ш.Саттаров**

2020 йил «14» 08

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор** ____________________ **З.Хакимов**

2020 йил «14» 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти**
**Бош бошқармаси бошлиғи**

**Бошлиқ** ____________________ **С.Ниязбеков**

2020 йил «14» 08

М.Ў.

*5А111101-Мусиқа таълими ва санъат*
**магистратура мутахассислигида ишлаб чиқилган**
**малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси**

| № | Ишчи гурух раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1 | раис | Н.Х.Рахмонкулова | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори | |
| 2 | аъзо | М.Т.Мирсолиева | Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим факультети декани | |
| 3 | аъзо | Р.Ш.Бердиқулов | Низомий номидаги ТДПУ Магистратура бўлими бошлиғи | |
| 4 | аъзо | Н.И.Режаметова | Низомий номидаги ТДПУ "Мусиқа таълими" кафедраси кафедраси мудири | |
| 5 | аъзо | Г.Э.Джанпеисова | Низомий номидаги ТДПУ "Мактабгача таълим методикаси" кафедраси мудири | |
| 6 | аъзо | Д.А. Каримова | Низомий номидаги ТДПУ "Мусиқа таълими" кафедраси профессор в.б. | |

**Ректор** **А.Ю.Умаров**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Х.Рахмонкулова**

**Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлим бошлиғи** **А.А.Хужаев**

**Факультет декани** **М.Т.Мирсолиева**

**Магистратура бўлими бошлиғи** **Р.Ш.Бердиқулов**

*“5А111101 –Мусиқа таълими ва санъат”*

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гурух таркиби**

| Т/Р | Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | А.Ю.Умаров | Раис, ректор | |
| | | Аъзолари: | |
| 1 | Н.И.Режаметова | Низомий номидаги ТДПУ “Мусиқа таълими” кафедраси кафедраси мудири | |
| 2 | Д.А. Каримова | Низомий номидаги ТДПУ “Мусиқа таълими” кафедраси профессор в.б. | |
| 3 | К.Б.Панжиев | Низомий номидаги ТДПУ “Мусиқа таълими” кафедраси, с.ф.н. | |

**Ректор ______________________ А.Ю.Умаров**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари**
**бўйича проректор______________________Н.Х.Рахмонкулова**

**Декан___________________________ М.Т.Мирсолиева**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

**9- КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарқанд давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ректорлари, ТДПУ Термиз ва Шахрисабз филиаллари директорлари, университетнинг таянч кафедралари мудирлари ва таклиф этилганлар.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси.

**Сўзга чиқди:** Н.Рахманкулова – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган, шунингдек амалдаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими томонидан турдош олий таълим муассасалари ҳамда университет кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив

ҳужжатлар ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат та стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойи университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

| | | |
|---|---|---|
| А.Умаров | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Н.Рахманкулова | - | Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| А.Акмалов | - | Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - | Информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Джанпеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Алимқулов | - | География ўқитиш медикаси кафедраси мудири; |
| Н.Абидова | - | Логопедия кафедраси мудири; |
| О.Искандаров | - | Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| М.Хамедова | - | Олигофренопедагогика кафедраси мудири; |
| Ў.Хўжаназов | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Д.Давлетов | - | Умумий математика кафедраси доценти; |
| Н.Толипов | - | Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси катта ўқитувчиси; |
| О.Рахматуллаева | - | Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири ва бошқ. |

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педаг таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака тал ҳамда ўқув режалари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий та тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқл "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалар тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширила кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус та тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлан концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳа янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йил Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратеги "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат да тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749- Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат та муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтка тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Прези Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий та муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини на қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгила вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда хал тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта ма таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги ино олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишла магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда ту ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишла магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқла (келишув) учун Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технология татбиқ этиш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **А.Ю.Умаров**

**Котиб** **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳаси бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг ____-сонли**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш. "____" __________ 2020 й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси – А.Ю.Умаров**
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 14 нафар.

**КУН ТАРТИБИ:**

